SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 18-fevral • Shanba • 21 (27.513) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Мунособат

## МЕҲНАТ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

### ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш механизмларидан бири — бу, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада такомиллаштириш ва унинг самарали воситаларини яратиш, иқтисодиётни либераллаштириш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан иборат.

Президент Ислом Каримов 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида мамнуният билан қайд этдики, ўтган йил деярли барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича прогноз ҳажми сезиларли даражада ошириб бажарилиши таъминланди. Бу борадаги ҳаракатлар аввало иқтисодиётда макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш, иқтисодий ўсишда етакчи ўрин тутиш лозим бўлган ишлаб чиқариш, соҳа ва тармоқларни жадал ривожлантириш, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг ўзига хос демографик хусусиятлари, бандлик, аҳоли даромадларини кўпайтириш билан боғлиқ ва бошқа ўта муҳим муаммоларни ҳал этишга қаратилди.

Шу боис, бандликни бошқаришнинг самарали тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда ўтиш даврида меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш бугунги кунда олдимизда турган муҳим вазифалар жумласига киради. Зеро, иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши, ташқи инвестиция сиёсатининг тўғри олиб борилиши аҳолининг иш билан таъминланишини яхшилашга, фаолиятининг ўсишига асос бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий ва социал соҳаларда ресурслардан фойдаланиш — натурал ёки табиий модда (капитал) ва инсон (меҳнат) ресурслари орқали амалга оширилади. Агар корхона капитал орқали максимал даромадга эга бўлса, масалан, ширинликларни ишлаб чиқариб, уни сотишни ташкил этмоқчи бўлса, шу жараёнга мос бўлган технологияларни сотиб олиши, хомашё топиши ва талаб даражасида маҳсулот тайёрлаши керак. Агар корхона маслаҳат хизматлари орқали ҳам фойдага эга бўлмоқчи бўлса, у аввало, маслаҳатчилар тизимини аниқлаши ва мижозларни қабул қилиши учун асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бинога эга бўлиши ёки бинони ижарага олиши керак. Кўриниб турибдики, фойдаланиладиган ресурслар комбинациялари корхона мақсадига мувофиқ амалга оширилади. Кичик корхоналарда ресурслардан (жумладан, меҳнат ресурсларидан) фойдаланишда унга сарфланадиган харажатлар ва олинадиган тушум (даромад)нинг мутаносиблигига, пропорционаллигига албатта эришмоқ лозим.

Шу нуқтаи назардан қараганда, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш йўналишининг иш билан бандлик босқичига эътибор берсак, Ўзбекистонда охирги 5 йилдан ортиқроқ давр мобайнида меҳнатга яроқли аҳоли сонининг умумий аҳоли сонидаги салмоғи 1,6% га ошиб, бугунги кунда 51% атрофидадир. Иш билан банд бўлганлар салмоғи 1991 йилда 70,1%ни ташкил этган бўлса, 1998 йилга келиб, 72,5 % бўлган ва иш билан банд бўлганлар сони 2,4%га ўсган. 2002 йилда 38 мингга яқин микрофирма, кичик корхоналар тузилиб, уларнинг сони 240 мингтага етган. 2005 йилнинг ўзида кичик бизнес объектлари 31,5 мингга кўпайган ва уларнинг сони 310 мингтадан ортган. Ҳозир кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 38,2 фоизни ташкил этмоқда. Бугун иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 65 фоизидан кўпроғи мазкур йўналишда фаолият юритмоқда. Янги яратилаётган иш ўринларининг 85 фоизи айнан кичик бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда.

2-бет

ЎзХДП ҳаёти

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан I-Тошкент педагогика коллежида «Ёшлар — бизнинг келажагимиз» мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди




## «ЁШЛАР — БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ»

Бугун «Истиқбол» ёшлар қаноти ЎзХДПнинг илғор ғояларини тарғиб этишда ўзига хос бўғинга айланди. У партиямизнинг келажаги сифатида ЎзХДП дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда дадил одимлар билан интилмоқда. Мазкур тадбирни ташкил этишдан кўзланган мақсад — партиямиз аъзолари сафини ёшлар билан мустаҳкамлаш, улар дуч келаётган муаммоларни ўрганишдан ва бартараф этишдан иборатдир. Тадбирда сўзга чиққан ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учқун Шойимқулов партия янги Дастурининг асосий хусусиятлари, «Истиқбол» ёшлар қанотининг ўз олдига қўйган вазифалари ва амалга ошираётган ишлари ҳақида атрофлича тўхталди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулистон Аннақличева Қонунчилик палатаси ва ундаги ЎзХДП фракцияси фаолияти тўғрисида ёшларга маълумот берди.

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам шифохонаси бош шифокори, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати Элмира Боситхонова хотин-қизлар ўртасида репродуктив саломатликни яхшилаш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини таркиб топтиришда ёшларнинг иштироки масаласига йиғилганлар эътиборини қаратди.

**Минаввар ИСМОИЛОВА, I-Тошкент педагогика коллежи директори, ЎзХДП фаоли:**

— Халқ демократик партияси ёшларнинг ўй-фикри, ютуқлари билан қизиқмоқда. Мен шунга аминманки, ушбу тадбирдан сўнг, партиямиз сафи ёшлар билан янада кенгаяди. Бу каби мулоқотлар эса йигит-қизларимизда сиёсий фаолликни оширишда муҳим ўрин тутади.

**Дилшод ТАЛАБОЕВ, III курс талабаси:**

— «Истиқбол» ёшлар қанотининг мақсад вазифалари, илгари сураётган ғоялари кўпчилик тенгдошларим қатори мени ҳам қизиқтириб қўйди. Бўлажак педагог сифатида бизнинг ҳам манфаатларимизни ЎзХДП ҳимоя қила олишига амин бўлдим.

**Маъмуржон МАҲМУД,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



**Суратларда:** учрашув иштирокчилари. **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**

## ИШОНЧ ОРТМОҚДА

Университетимизда тўрт минг нафардан зиёд талаба таълим олмоқда. Улар мамлакатимизда содир бўлаётган сиёсий жараёнларни диққат билан кузатиб боришади. Ўзбекистон ХДПнинг «Истиқбол» ёшлар қаноти ташкил қилингани кўпчилик тенгқурларимиз кўнглидаги иш бўлди. Талабалар партияга аъзо бўлиш, «Истиқбол» ёшлар қанотида қатнашиш истагини билдиришмоқда.

Яқинда университетда партия фаоллари, фахрийлар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда талабаларга юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар кўлами, партиянинг мақсад вазифалари, ёшлар билан ҳамкорлик режалари ҳақида сўзлаб берилди. Партия вилоят кенгаши раиси Р.Собуров, «Истиқлол» ёшлар қаноти вилоят бўлими раҳбари Х.Жалолов, университетнинг тарих ва ҳуқуқ факультети декани Я.Олломов ва бошқаларнинг чиқишлари ёшларда катта таассурот қолдирди.

Ушбу учрашувдан кейинги ўтган бир ҳафта ичида ўндан зиёд талабалар ёшлар қанотига аъзо бўлиш, партия бошчилигида бу ҳаракатда фаол қатнашиш ниятини билдиришди.

**Жавлон МАТЧОНОВ,**
**Урганч давлат университети талабаси, ХДП аъзоси**

## ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛИ

Наманган вилояти фаолларининг 2005 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят ҳокими И.Нажмиддинов бошқарди.

Мажлис қатнашчилари вилоятда ўтган йили бир қатор ижобий ўзгаришларга эришилганини, хусусан, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 6,5 фоиз, саноат моллари 8,4 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори 3,9 фоизга ўсганини таъкидладилар.

Вилоятда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида 2005 йилда маҳсулот экспорти ҳажми 26,9 фоизга ортди. Хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари, тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, вилоятда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, иқтисодиётга сармояларни жалб этиш масалаларига етарлича эътибор берилмади. Кўплаб йирик корхоналар, ишлаб чиқариш субъектларининг молиявий аҳволи талаб даражасида эмас. Банклар фаолияти хўжалик юритувчи тадбиркор ва фермерларнинг эҳтиёжини тўла қондира олмаяпти.

Уй-жой-коммунал хўжалиги ва алоқа тизимларида, аҳолини нефть маҳсулотлари, газ ва электр энергияси билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни ҳам қониқарли, деб бўлмайди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар, йўл қўйилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**И.РАЗЗОҚОВ,**
**ЎзА мухбири**

ЎзХДП: жамоатчилик қабулхоналарида

## МУАММОЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА, ЕЧИМИ ИЗЛАНМОҚДА

### ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА ФУҚАРОЛАР ИШОНЧИ ОРТМОҚДА

Халқнинг ишончини қозониш, ўз ғоялари, мақсад-муддаоларини одамлар қалбига сингдириш, уларни ўз орқасидан эргаштириш ҳеч бир сиёсий партия учун ҳам осон иш эмас. Чунки, бу ишончга фақат амалий ишлар билан эришиш мумкин.

Улуғ шоирларимиздан бири айтганидек, «Халқ ичига кириб бормоқ» учун эса, аввало уларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш, кишиларнинг дарду хасратини эшитиш, имкон қадар уларга ёрдам бериш керак. Ана шу мақсадда ЎзХДП кенгашлари ҳузурида жамоатчилик қабулхоналарининг ташкил этилгани хайрли қадам бўлди.

Партия кенгашлари раҳбарлари, партиядан сайланган депутатлар, фаоллар бир бўлиб, фуқароларнинг мурожаатларини атрофлича ўрганишга, мавжуд масалаларга мутасаддилар эътиборини қаратишга ҳаракат қилишяпти.

Ўтган йилнинг декабрь ойидан шу кунга қадар вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳузуридаги жамоатчилик қабулхоналарида 100 дан зиёд турли мазмундаги ариза ва мурожаатлар қабул қилинди. Шундан 90га яқини ўрганилиб, назоратга олинди.

Жумладан, Жарқўрғон тумани «Какайди» қўрғонида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари номидан ёзилган шикоятга 162 нафар киши имзо чеккан. Унда шундай дейилади: «Какайди қўрғонида яшовчи фуқароларга мана бир неча йилдирки, электр қуввати ва табиий газ вақти-вақти билан берилиб турибди. Туманда бу масала билан жиддий ҳеч ким шуғулланмайди. Электр энергиясини назорат қилувчиларга мурожаат қилсак, фақат пулдан гап очишади.

Ахир, биз деярли йўқ коммунал хизматлар учун ҳам пул тўлаяпмиз. Лекин нима учун бир сутка давомида бор-йўғи 5-6 соат электр қуввати беришади? Туман Кенгашининг депутати маҳалламиз раиси Тўра Бекмуродовнинг аҳоли билан мутлақо иши йўқ! Кимдир унга дардини айтиб, мурожаат қилса, «Сендан бошқа ҳеч ким менга арз қилмайди», деб келган одамнинг кўнглига тегади. Шундай бўлгач, биз кимдан ёрдам кутайлик. Илтимос кўмакларингиз керак...»

Худди шундай мазмундаги масала билан Жарқўрғондаги «Пахтаобод» ва унга туташ бўлган учта маҳалла фуқаролари номидан тиббиёт фанлари номзоди Абдуғани Тўхтаев ва унинг маҳалладошларидан 38 нафар киши имзо қўйиб мурожаат этишди:

«1998 йилдан буён табиий газ, ичимлик суви тармоқларининг сифатли ишламаслиги оқибатида қийналиб келмоқдамиз.. Биз бир қанча бор туман ҳокими Норбой Шомуродов ва бошқа раҳбарларга мурожаат қилишимизга қарамасдан, арзимиз эътиборсиз қолдириб келинмоқда. Бизга ёрдам беринглар!»

2-бет

## «ПАРРАНДА ГРИППИ» ТАРҚАЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Дунёда «парранда гриппи» хавфи кундан-кунга кенг ёйилиб бормоқда. Ўтган йили ёввойи ва уй паррандаларининг бу касалликка чалиниш ҳолатлари фақат Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида кузатилган бўлса, эндиликда Европа ва сайёрамизнинг бошқа минтақаларида ҳам рўйхатга олинмоқда. Ушбу касаллик вируси штаммларидан бири инсон учун ҳам хавфли эканлиги шифокорларни ташвишга солмоқда. Дунёда 40 нафардан зиёд киши «парранда гриппи»дан нобуд бўлгани қайд этилди. Бунда чегара билмайдиган, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб юрадиган ёввойи қушлар касалликнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шу муносабат билан Ўзбекистонда ҳудудимизга инсон учун юқумли бўлган ушбу янги касалликнинг кириб келишига йўл қўймаслик учун қўшимча чоралар кўрилмоқда.

— Сувда сузиб юрувчи ёввойи қушларнинг жанубдан шимолга кўчадиган баҳор мавсуми келди ва уларнинг ушбу йўналиши бизнинг ҳудудимиздан ҳам ўтади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи, соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Бахтиёр НИЁЗМАТОВ. — Мамлакатимизда очиқ сув ҳавзалари кўп. Кўчиб юрувчи қушлар бу жойларга вақтинча қўниб ўтиши ва уларнинг бир қисми вирус билан зарарланган бўлиши мумкин. Шу боис ҳозирги энг асосий вазифа одамларнинг бу қушлардан эҳтиёт бўлиши ва уй паррандаларини уларга яқинлаштирмасликдан иборатдир. Бундан ташқари, республикамизга «парранда гриппи» қайд этилган мамлакатлардан парранда гўшти ва ундан тайёрланган маҳсулотларни олиб келиш устидан назоратни кучайтириш ҳам ўта муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистонда уй паррандалари, айниқса одамлар орасида ушбу вирус билан касалланиш ҳолатининг қайд этилмагани ўз вақтида қабул қилинган чора-тадбирлар натижасидир. Ўзбекистон санитария ва эпидемиология назорати хизматлари инфекция йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйиш учун ветеринарлар, божхоначилар, чегарачилар ҳамда бошқа тегишли идоралар мутахассислари билан ҳамкорликда ишламоқда. Ўтган йили ҳукумат қарорларига биноан республикамиз ҳудудига Россия, Қозоғистон, Болгария, Руминия ва Туркиядан, ушбу мамлакатларда касаллик мавжудлиги аниқланганидан сўнг, парранда маҳсулотларини олиб келиш вақтинчалик тақиқланган эди. Бу талабни қатъий бажаришда чегарадош туманларда, шунингдек, аэропортлар ва темир йўл бекатларида фаолият юритаётган санитария-назорат пунктлари ходимлари ҳам иштирок этмоқда. Бундан ташқари мамлакатимизга келаётган одамлар соғлиғини назорат қилиш ҳам уларнинг бевосита вазифасига киради.

Маълумки, эпидемия ва эпизоотиянинг олдини олиш, уларнинг оқибатига қарши курашга нисбатан анча кам харажатни талаб қилади. Аҳоли орасида тарғибот ишларини ўтказиш эса бу вазифанинг таркибий қисмидир. Одамлар касалликнинг қандай юқиши ва унинг олдини олиш учун нима қилиш зарурлигини билиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида «парранда гриппи»нинг олдини олиш бўйича республика штаби кеча-кундуз ишлаб турибди. Вилоятларда ҳам шундай тузилмалар ташкил этилган. Штабларга санитария ва ветеринария шифокорлари ҳам жалб қилинган. Жойларда улар уйма-уй юриб, аҳолига юқиши мумкин бўлган инфекциядан қандай ҳимояланишни тушунтирмоқда, уй паррандаси ушбу ўлатга чалинган ёки чалинмаганини аниқламоқда, одамлар соғлиғини текширмоқда. Ҳар бир шубҳали ҳолат синчковлик билан ўрганилмоқда. Шунингдек, паррандачилик фабрикалари ва паррандачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига аниқ ёрдам кўрсатиш мақсадида рейдлар уюштирилмоқда. Бундан ташқари орнитологлар билан биргаликда сувда сузадиган кўчманчи қушлар тўпланадиган жойларни доимий назорат қилиш йўлга қўйилди.

Бу борада болалар боғчалари ва мактабларга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу ерларда ўйин ва болаларга тушунарли шаклда махсус дарслар ўтказилмоқда. Ушбу дарсларда мутахассислар болаларга «парранда гриппи» хавфи ва унинг олдини олиш бўйича санитария-гигиена чоралари ҳақида сўзлаб бермоқда.

Хорижий ҳамкасбларимизнинг маълумотларига кўра, аҳолини гриппнинг «оддий» шаклларига қарши эмлаш бу касалликнинг олдини олиш борасида муҳим вазифа ҳисобланади. Шуни таъкидлаш кераккки, жорий мавсумда республикамиз аҳолисини оммавий эмлаш ташкил этилди. Бу ҳам мамлакатимизда «парранда гриппи»нинг пайдо бўлишига қарши курашнинг ўзига хос омилига айланди.

Шу тариқа Ўзбекистонда ушбу хавфли инфекция йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйилди. Шунга қарамасдан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан вирусга қарши энг замонавий препаратлар керакли миқдорда сотиб олинди, дезинфекция воситалари, вирусология лабораториялари учун реактивлар, ташҳис қўйиш воситалари ва тест-тизимлар захираси яратилди. Барча юқумли касалликлар шифохоналарида «парранда гриппи»га чалинганликда гумон қилинган одамларни даволаш ва уларни ажратиб қўйиш учун жойлар ташкил этилди. Бир сўз билан айтганда, ҳудудимизга дунёнинг турли мамлакатларида вақти-вақти билан эпидемия ҳамда эпизоотиянинг пайдо бўлишига сабаб бўлаётган юқумли касалликларнинг кириб келишига қарши курашда самарали восита бўлган барча зарур профилактика чоралари кўрилди.

**ЎзА мухбири А.ИВАНОВА ёзиб олди**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

**Муносабат**

# МЕҲНАТ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

## ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Мана шу кўрсаткичлар нисбатидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш — минтақавий дастурлар асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу дастурларда аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилиши муҳим. Шунинг учун бугунги кунда қишлоқларда янги иш ўринлари яратиш, фаолият соҳалари ва турларини кенгайтириш, қишлоқ аҳолиси иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқиш — кечиктириб бўлмайдиган масалалардир. Чунки, Ўзбекистонда кичик бизнеснинг улуши жаҳон мамлакатларига нисбатан кам. Масалан, Италияда иш билан банд аҳолининг тахминан 80% ни, Британия ва Японияда 70% дан ортиқроғини, Франция ва

— — — — — — — —

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Германияда — тахминан 66% ни, АҚШда — 55% ни кичик ва бизнес билан машғул одамлар ташкил қилади. Бизда эса бу кўрсаткич ҳозирча 38,2 фоизни ташкил этиши — ҳали бу борада жуда катта имкониятлар мавжудлигидан далолат.

Шуни эътироф этиш керак, республикада меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сонининг ўсиши туфайли яқин беш йил ичида меҳнат бозорига кириб келадиганлар сони икки мартага кўпайиши кутилмоқда. Мавжуд ишчи ўринлари эса бу талабни тўла қондиришга қодир эмас. Шу боис, мамлакат иқтисодиёти келажакда кичик тадбиркорликка таяниши муқаррар. Уларнинг улуши барча соҳаларда 50%дан кам бўлмаслиги керак.

Ҳозир Ўзбекистонда барча аҳолининг 36,1 фоизи доимий иш билан банд. Бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 25% ни ташкил қилади. Демак, ҳар бир ишлаётган кишига Ўзбекистон бўйича 2,7 нафар аҳоли тўғри келса, Самарқанд вилоятида бу кўрсаткич 1,5 бараварни ташкил этмоқда. Кўриниб турибдики, меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш ва янги иш ўринлари очиш Ўзбекистонда жуда долзарб, Самарқанд вилоятида эса янада муҳим.

Бу эса ўз навбатида қишлоқда қайта ишлайдиган кичик корхоналар ва хизмат соҳаси билан шуғулланадиган янги хўжалик субъектларини ташкил этишни талаб қилади. Шундагина, Президентимиз таъкидлаганидек, **«Иш билан банд бўлган аҳолини таркибий жиҳатдан қайта тақсимлаш ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшларни фаолиятнинг янги илғор тармоқлари ва соҳаларига жалб қилиш ҳам меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг қудратли заҳираси бўлади».**

Қишлоқ жойларда меҳнат «потенциал»идан фойдаланиш самарадорлиги зарурати шуни кўрсатадики бу борада ҳали кўпроқ изланишимиз керак. Оила даромади ҳам шунга мос равишда тенглаштириладиган бўлса, қишлоқда оила даромади, республиканинг ўртача даромадидан 33,3 фоиз кўп бўлиши лозим.

Аммо ҳозир бунинг тескариси. Бу ҳолат келажакда ҳам сақланиб қолмаслиги учун қишлоқда аҳоли бандлик даражасини кескин кўтариш лозим бўлади. Ҳозир иш билан бандлик даражаси республикамизда аҳолининг 36,1 фоизини ташкил қилган бир пайтда, бу кўрсаткич қишлоқда 28,1 фоизни ташкил этмоқдаки, бу ҳол болалар ва қариялар сони қишлоқларда ҳамон аҳолининг кўпроқ қисмига тўғри келаётганини кўрсатади.

Яна бир фикр: бозор инфратузилмаларида тўла ҳисобга олинмаган фаолиятларнинг вужудга келиши... Яширин ҳолда олиб бориладиган ҳар қандай фаолият тури ҳисобга олинмаган иш билан бандликни аниқлашни қийинлаштирмоқда. Мутахассислар фикрича, бундай фаолиятларда аҳоли бандлиги Ўзбекистонда ўртача 2-2,3 млн. нафар кишини ташкил қилади. Бандликни бошқаришда мазкур омилларни инобатга олиш — аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ижобий ҳал этишга ёрдам бериши мумкин.

Таъкидланган мулоҳазалардан келиб чиқиб: меҳнат, унинг салоҳияти ва самарадорлигига — Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий аҳволидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш лозим, деган фикрдамиз. Чунки иқтисодий адабиётларда кўп ҳолларда асосан меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш муаммолари ечими таҳлил қилинади. Биз эса ушбу масалалар билан бирга аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини очиш каби муҳим соҳаларни ҳам таҳлил қилиш усулларини ўрганиб чиқишни тавсия этган бўлардик.

**Самариддин АЛИҚУЛОВ,**
**Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети доценти, иқтисод фанлари номзоди**

## ЯНГИ МЕҲМОНХОНА

Яқинда қадимий Хива шаҳрида «Малика — Хоразм» меҳмонхонаси илк хорижлик сайёҳларни қабул қилди. Бу ерда туристлар учун барча шароитлар яратилган.

Бу меҳмонхона Ичон қалъа ичкарисида — унинг дарвозаларига яқин ерда жойлашган. Ушбу қулайликнинг ўзиёқ сайёҳлар эътиборини тортмоқда.

**Рўзимбой ҲАСАН**

## БАҒРИКЕНГЛИК ҲАМ ҲОМИЙЛИК

**Ҳомийлар ва шифокорлар йилида** Чироқчи туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими жамоаси ибратли ишларга қўл урмоқда. Бўлим ҳисобида 26097 нафар пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар бўлиб, шулардан 17209 нафари ёшга доир, 6551 нафари ногиронлик, 2337 нафари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олади. Уларга бўлимнинг 59 нафар ходими беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ўтган йили бўлимда «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури ижроси бўйича бажарилган ишлар айниқса, диққатга сазовор бўлди. Жумладан, туман соғлиқни сақлаш бўлими билан биргаликда 23498 нафар пенсионерлар тўлиқ диспансер кўригидан ўтказилди. 275 нафар фуқаро республикамизнинг турли сиҳатгоҳларида дам олиб, соғлиқларини тиклаб қайтишди. 105 нафар ёлғиз пенсионер ва ногиронлар 115,5 минг сўмлик зарур дори-дармон воситалари билан бепул таъминланди.

Мазкур хайрли амаллар бу йил ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, тумандаги 1229 нафар вояга етмаган ва етим болаларга йил бошидан ҳомийлар томонидан турли мурувват ёрдамларини муттасил кўрсатиш йўлга қўйилди.

Яқинда бўлим ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги раҳбарлари, прокуратура ходимлари тумандаги бир қанча кам таъминланган оилаларда бўлиб, уларга моддий ёрдам кўрсатилди.

**Абдурасул ПАРДА**

## ТАБИАТГА ЗАРАР ЕТКИЗМА...

Дўстлик туманида яшовчи фуқаролар Абдуҳамид Матқаюмов билан Қурбонали Тўрақулов Арнасой тумани ҳудудидаги 40 туп қайрағоч дарахтини ўтин учун кесишгани сабабли белгиланган миқдорда жаримага тортилдилар.

Очиғи, айримлар учун йўл ва дала четларига экилган ихота дарахтларини кесиш оддий ҳолга айланиб қолган. Нафақат қуриган, ҳатто кўкариб турган дарахтларга ҳам болта урадиган кимсалар ҳамон учраб туради. Фақат табиатни қўриқлаш давлат инспекцияси назоратчилари кўриб қолишмаса, бас.

Аммо бу сафар дала четидаги улкан қайрағочларни йиқитаётган «ўтинчилар»нинг нияти амалга ошмади.

2005 йилда табиатга зарар етказиш ҳоллари бўйича иккита жиноий иш қўзғатилиб, уч киши жиноий жавобгарликка тортилди, 644 шахсга салкам 10 миллион сўм жарима солинди, — дейди Жиззах вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари Ортиқбой Абдуллаев.

**Тошқул БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

**ЎзХДП: жамоатчилик қабулхоналарида**

# МУАММОЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА, ЕЧИМИ ИЗЛАНМОҚДА

### Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгаши қошида ташкил этилган жамоатчилик қабулхоналарига фуқаролар ишончи ортмоқда

...Термиз шаҳрида яшовчи бир гуруҳ ота-оналар номидан вилоят партия кенгаши қошидаги жамоатчилик қабулхонасига шаҳардаги 1-сон футбол мактабининг кейинги икки йил давомида тўрт жойга кўчирилганлиги, футбол мактабининг на бир биноси, на футбол майдони ва на мусобақаларга олиб борадиган транспортга эга эмаслиги ҳақида мурожаат қилинган эди.

Ушбу масала бўйича мутасадди ташкилотларга, хусусан вилоят Халқ таълими бошқармаси, Термиз шаҳар ҳокимлиги ва Халқ таълими бўлими раҳбарларига чиқилди. Натижада футбол мактаб-интернатини шаҳарга яқин жойда жойлашган Термиз туманидаги «Янгиариқ» касб-ҳунар коллежига кўчириш ва у ерда болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун имконият яратилишига келишилди.

Бундан ташқари, болаликдан ногирон икки нафар ўсмирнинг бепул даволаниши учун республикамиздаги нуфузли шифо масканларига йўлланма олиш, 5 кишининг эса узоқ вақтдан буён ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашолмай юрганлиги тўғрисидаги мурожаатлари ижобий ҳал қилинди.

Хусусан, бу ҳақда қизириқлик Х.Чоршанбиева шундай дейди:

— Қарийб бир йилдан буён икки олий ўқув даргоҳини тамомлаган бўлишимга қарамай, ўзим севган банк соҳасига ишга жойлашолмай сарсон эдим. Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раҳбарларига минг раҳмат, уларнинг кўмаги билан банклардан бирига ишга жойлашдим...

**Бахтиёр БОБОЕВ, ЎзХДП Музработ туман кенгаши раиси:**

— Маълумки, қишлоқ хўжалиги тармоғида ширкат хўжаликлари тугатилиб, ўрнига фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Аммо жойларда ҳамма вақт ҳам ер ҳақиқий эгаларига, қўлидан иш келадиган, уддабурон деҳқонларга берилаяпти, деб бўлмайди. Шу боис, танлов комиссияларининг ишидан норози бўлиб, арз қилаётганлар ҳам бор. Ана шундай арзномалардан бирини тумандаги Ш.Бобоев номли хўжалик пудратчиси Сафармахмат Назаровдан олдик. Унинг мурожаат қилишича, тендер ҳаққоний, адолатли ўтказилмаяпти.

Биз ушбу ариза юзасидан тумандаги фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссиясига, вилоят Адлия бошқармасига мурожаат этдик. Чунки бизга арз қилган фуқаронинг шикоятида кўрсатилган важлар ҳақиқатдан ҳам асосли эди.

Биз юқорида айтганимиздек, ушбу масала бўйича тегишли мутасаддиларга мурожаат қилдик. Агар борди-ю, улардан қонуний, адолатли жавоб ололмасак, бўлажак фермер билан судгача бирга боришга, унга қонун йўли билан ёрдам қилишга ҳаракат қиламиз.

Чунки, одамларнинг Халқ демократик партиясига бўлган ишончи сўнмасин, бу партияга таянса бўлади, деган фикри мустаҳкам бўлсин!

Шубҳасиз, бундай фикрларнинг ўзиёқ жойларда, партия кенгашларида жонланишнинг сезилганини, партия фаоллари одамлар орасига аста-секин кириб бораётганини билдиради. Бу ғоятда қувончлидир.

— Мен Абдурайим Саидовман. Шўрчи шаҳрида яшайман, иқтисодчиман, — дея ўзини таништирди вилоят партия кенгаши жамоатчилик қабулхонасига келганлардан бири. — Партиянинг Шўрчи туман кенгаши қошидаги жамоатчилик қабулхонасига ва бошқа идораларга ҳам бир неча марта туман электр таъминоти корхонаси томонидан тез-тез электр ўчириб қўйилиши юзасидан арз қилган эдик. Лекин ҳеч қандай натижа бўлмади...

Ҳа, ана шундай эътирозлар ҳам айтилиб турилибди.

**Ҳамро ЭРМАТОВ, ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси:**

— Жамоатчилик қабулхоналарига фуқаролар турли-туман катта-кичик масалалар билан мурожаат этишмоқда.

Айни пайтда кўпгина партия кенгашлари масалалар билан жиддий шуғулланмоқда. Лекин айрим партия кенгашлари эса уларни қайд қилиш билангина чекланмоқда. Биз фактларни қайд қилишдан кўра уларнинг ечимини топиш билан кўпроқ шуғулланишимиз керак. Чунки ҳар бир мурожаат орқасида инсон, унинг тақдири турганлигини яхши англаб, янада фаолроқ бўлиб, қатъийроқ позицияда туриш зарур.

...Дарҳақиқат, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишга бел боғлаб, ўзини сўл йўналишдаги сиёсий партия, деб эълон қилган ХДПнинг ҳар бир фаоли, партиядан сайланган депутатлар халқ манфаатлари учун ўзини аямай курашадиган, фидойи бўлиб меҳнат қиладиган даврда яшаяпмиз.

**Абдурасул ЖУМАҚУЛ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

— — — — — — — —

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»**





Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган суратлар.

## САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

*Қорақалпоғистон республикаси болалар шифохонасида беморларнинг соғлигини тиклаш учун барча қулайликлар яратилган. Шифохонани қўшимча янги жиҳозлар тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.*

*Таъкидлаш керакки, мазкур болалар шифохонаси 160 ўринга мўлжалланган бўлиб, мавжуд олти бўлимда ўз касбининг малакали шифокорлари хизмат кўрсатмоқда.*

***Суратларда:*** Ҳамшира Гулистон Алламуротова ва шифокор Азамат Бегалиев; болалар жарроҳлиги бўлими мудири Абдукарим Узоқов.

**Қонун барчага баробар**

# ЕТТИ ЙИЛДАН БЕРИ ҚАЙТМАЁТГАН

## ЁКИ МУЛКИЙ ҲУҚУҚНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТИ БЎЛА ТУРИБ, МУЛКИДАН МАҲРУМ

Олтиариқлик уй бекаси Ибодат Эргашева мулкидан ноқонуний ажраб қолганига мана 7 йил бўлди. 1998 йилнинг кузида турмуш ўртоғи билан оилавий дўстлари бўлмиш Абдухалил Маматовнинг хонадонига меҳмондорчиликка боришганида «Ауди» машинаси носозлиги туфайли қолдирилган эди. Ўша кезлари мезбон — «Ўрта Осиё» тайёрлов савдонинг бошлиғи бўлмиш А.Маматов устидан жиноят иши қўзғатилди. Уйи тинтув қилиниб, ашёвий далиллар қаторида воажабки меҳмон — Ибодат Эргашевага тегишли «Ауди-100» русумли автомашина ҳам хатланди. Сўнгра суд ҳукми орқали мусодара этилди. Яна бир жуда ажабланарли томони шундаки, эгаси томонидан 9 миллион сўмга олинган машина Олтиариқ туман солиқ инспекцияси ҳамда молия бўлими ходимларидан тузилган комиссия томонидан 250 минг сўмга, яъни иккита ғилдираги нархида баҳоланиб, фуқаро Р.Усмоновга сотиб юборилди. Кейинчалик Р.Усмонов «Ауди»ни марғилонлик Э.Эрбердиевга сотади — 150 минг сўмга! Юқоридаги нархларга қанчалик шубҳа қилманг, қоғозда шундай!

Хуллас, ёз-ёз, шикояту аризабозликка қарамасдан суд ҳукми билан мусодара этилган ўзганинг мулки эгасидан тобора узоқлашиб кетди. Ниҳоят, бу масала **Олий суд Раёсати томонидан 2004 йил 28 май куни кўриб чиқилиб, «Ауди» нотўғри мусодара этилгани қайд этилди, жиноят ишининг «Ауди»га оид қисми бекор бўлди.**

Ибодат Эргашева кеч бўлса-да адолат тикланганига, мулк ўзига қайтаётганига хурсанд эди. Дарҳақиқат, жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди судьяси А.Очилов томонидан чиқарилган ажрим асосида «Ауди» Э.Эрбердиевдан И.Эргашевага олиб берилди. Лекин унинг қувончи узоққа чўзилмади. Орадан икки ой ўтиб, худди ўша судья — А.Очилов томонидан чиқарилган ажрим (12 август 2004 йил) билан «Ауди» Э.Эрбердиевга қайтарилди. Ажримда Олий суд Раёсати қарорида «Ауди»ни мусодара этиш қисми бекор қилингани билан уни у ёки бу шахсга қайтариш кўрсатилмагани ҳамда фуқаро Э.Эрбердиевнинг автомашинани қонуний асосда сотиб олгани ва олди-сотди шартномаси бекор қилинмагани асос қилиб келтирилди.

Энди И.Эргашева олди-сотди шартномаларини ҳақиқий эмас, деб топиш, ноқонуний мусодара этилган ва сотиб юборилган «Ауди-100» русумли автомашинани натура шаклда қайтариш ҳақида Риштон туманлараро судига даъво аризаси берди. Ишни кўраётган судья касал бўлиб қолганлиги туфайли ушбу фуқаролик иши Марғилон шаҳар фуқаролик судига ўтказилди. У ерда жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг 12 август 2004 йилдаги ажрими борлиги айтилиб, даъвогарга аввало унинг устидан шикоят қилиш лозимлиги тушунтирилди.

Айтилган ажрим устидан ёзилган кассация шикояти жиноят ишлари бўйича вилоят суди кассация инстанцияси томонидан қаноатлантирилмади. И.Эргашеванинг боши қотган: наҳот у мулкини қайтариб ололмайди? У кимга, қаерга борсин?

Хуллас, 7 йил илгари асоссиз, қонунсиз ва адолатсиз равишда мулкидан ажраб қолган фуқарога ҳануз мулки қайтгани йўқ. Қайтанга қимматбаҳо машинасидан эътиборсиз терговчи ва судьянинг хатоси туфайли ажраган И.Эргашева яна судма-суд овораю-саргардон бўлиб вақт, маблағ ҳамда асабини йўқотмоқда. Табиий савол туғилади. Наҳотки етти йил давомида бир фуқаро ўз қонуний мулкини қайтариб ололмаса?

●●●

Қарши шаҳар «Буюм бозори» ОАЖ билан тузилган шартномага кўра «Чори-С» хусусий фирмаси жамиятга 2.016.000 сўмлик шифер етказиб беради. Лекин жамият ғирромлик йўлига ўтиб, ҳадеганда етказилган маҳсулот пулини тўламайди. Мурожаатлар оқибатсиз қолаверганидан сўнг фирма хўжалик судига даъво аризаси киритади. Жамият ҳисоб рақамида пул бўлмаганлиги сабабли судда низолашаётган икки томон келишув битими тузади ва қарз жамият мулки ҳисобидан қопланадиган бўлади. Хуллас, жамиятнинг бир қанча мулклари, жумладан 7 та омборхона, автомашиналар тўхташ жойи, чиптахона қарзни қоплатишга қаратилади.

Кейинчалик «Буюм бозори» ОАЖ раиси У.Узоқовга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Бир неча эпизодлар билан айбланаётган У.Узоқовга қарзни қоплаш ҳолатидаги мансаб сохтакорлиги ҳам айб сифатида қўйилади. Маълум бўлишича, у мулк ажратиш масаласини умумий йиғилишда кўрмасдан, кўрилди деб расмийлаштирган. Акциядорларга буни маълум қилмаган, мулкларни арзон нархда баҳолаб, фирмага бериб юборган.

Ушбу жиноят ишини кўрган жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди судьяси О.Аққўзиева томонидан 2005 йил 30 июнь куни чиқарилган ҳукмга биноан қарзни қоплашга қаратилган мулклар яна жамиятга қайтарилиши белгиланди. Ижро қоғози юборилди. Аммо, ушбу мулклар кимнинг жавобгарлигида сақланаётганлиги ва кимдан олиш кўрсатилмаганлиги учун Қарши шаҳар суд ижрочилари томонидан ижрога аниқлик киритиш сўралиб, ижро варақаси судга қайтарилди. 2005 йил 21 ноябрь куни судья О.Аққўзиева томонидан чиқарилган ажримга кўра далилий ашё деб топилган мулклар М.Халиловадан ундирилиши белгиланди.

Бўлинма томонидан ижро иши қўзғатилиб, қарздор деб эътироф этилган М.Халиловага бу ҳақида маълум қилинди. 29 ноябрь куни М.Халилова бўлинмага билдирги билан мурожаат қилиб, бу мулкнинг эгаси ажримда кўрсатилгандек у эмаслигини, балки мулкни аллақачон фуқаро С.Қурбоновга сотганлигини айтади. Мулк бошқаники эканлиги аниқ бўлишига қарамасдан Қарши шаҳар суд ижрочилари ва катта инспектор Ж.Жонқобилов, Қарши шаҳар ИИБ ходимлари, холислар ҳамда «Буюм бозори» ОАЖ вакиллари иштирокида эртаси куни кечга ижрони мажбурий тартибда амалга оширади. Ажабланарлиси, мулк эгаси бу пайтда С.Қурбонов ҳам эмас, балки Э.Юлдошев эди. У июнь ойида ушбу мулкларни С.Қурбоновдан сотиб олган экан.

— Мен омборхона, чиптахона ва «стоянка»ни 2005 йил 19 июнь куни Сирожиддин Қурбоновдан сотиб олганман, — дейди Эгам Юлдошев. — Ўшандан бери шу ерда ишлаб келаётган эдим. Буни бозордагилар ҳам яхши билишади. Улар омборхонада молларини сақлашади. 30 ноябрь куни кеч соат 17.00 ларда ишни тугатиб, эшикларни қулфлаб, уйга қайтдим. Дам олиб ўтирганимда «Сизга тегишли мулкларга ижрочилар милиция ходимлари билан киришибди, ҳаммаёқ остин-устун» деган хабар келди. Мен лол қолиб, ўша ёққа шошилдим. Борсам киргизишмади. Бу мулклар меники десам, энди бозорга ўтди, дейишди. Негалигини ҳеч ким тушунтирмади. Ҳатто омборхона ичидаги ўз буюмларимни олиб чиқишимга рухсат беришмади. Мулкни қонуний йўл билан сотиб олган бўлсам, нега ҳозиргача мени у ерга қўйишмаябди? Нега менинг мулкимни олиб қўйишди? Мен кекса, пенсионер одамман, тирикчилигим шу ердан. Бозорнинг собиқ раиси сохта ҳужжат билан мулкларни берган бўлса, менинг айбим нима? Мен мулкни олди-сотди шартнома орқали нотариал идорадан расмийлаштириб, пулини тўлиқ тўлаб олганман. Шартнома бекор қилингани йўқ. Нега менинг мулким бошқанинг мулки, деб бозорга олиб берилди? Нега мени судга чақирмади?

Қизиқ, бир-бирига ўхшаш ҳолатда турфа манзара: бирида қонуний мулкидан ажралган **фуқаро** уни қайтариб ололмайди. Иккинчисида, мулкини талаб қилган **бозор** дарҳол унга эгалик қилаяпти. Бирида ноқонуний мусодара этилган мулкка нисбатан олди-сотди шартнома тузган фуқаро манфаати ҳимоя қилинаяпти. Иккинчисида эса эътиборга олинаётгани йўқ. Бирида Раёсат қарорида мулк қайтарилиши кўрсатилмаган дейилаётган бўлса, иккинчисида амалда мулк эгаси бўлмаган фуқародан ундирилсин, деб ажрим чиқариб берилмоқда ва у ижрочилар томонидан сўзсиз амалга оширилмоқда. Кўп ҳолларда ижро масаласи йиллаб пайсалга солинади, юқоридаги мисолда эса ижро органи мулк эгаси бошқалиги билан ҳам иши йўқ ҳолда ижрони зудлик билан таъминламоқда. Ажабланарли ҳолат, тўғримасми?

Биз юқоридаги ҳолатлар бўйича мутахассисларнинг фикри билан қизиқдик.

**Сафар Пардаев, «SALOMOV VA PARTNYORLAR» адвокатлик фирмаси директори:**

— Суд ҳукми билан мулк мусодара қилиниб, кейинчалик ишга алоқадор бўлмаган шахсга тегишли мулк мусодара қилинганлиги боис ҳукмнинг бу қисми бекор қилинганда ЖПК нинг 88-моддаси 5-ҳат бошида кўрсатилганидек **«Ишга алоқаси бўлмаган нарса ва ҳужжатлар қонуний эгасига дарҳол қайтарилиши керак».** Суд ҳукми ижро этилиши муносабати билан шахснинг мулки бошқа шахс эгалигига ўтиб кетган бўлиб, **бошқа шахсга мулк ҳуқуқини вужудга келтирган олди-сотди шартномасининг бекор қилинмаганлиги ноқонуний мусодара қилинган мулкни эгасига қайтармасликка асос бўлмайди.** Чунки дастлабки мулкдорда ҳам мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи ҳужжат бўлиб, ҳукмнинг мулк ҳуқуқидан мусодара қилиш орқали маҳрум қилиш қисмининг бекор қилиниши муносабати билан бу мулк ҳуқуқини берувчи ҳужжат (Олди-сотди шартномаси, ҳадя ва бошқалар) қонуний кучга эгадир. **Битта мулкка нисбатан эса иккита шахсда мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи қонуний ҳужжат бўлиши мумкин эмас.**

Фуқаролик Кодексининг 229-моддасида «Агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, олувчи буни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотиб қўйилган ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкини берган шахсдан ўғирланган ё бўлмаса уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан уларнинг эгалигидан чиқиб кетган бўлса, мулкдор бу мол-мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли.

Агар мол-мулк суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотилган бўлса, мол-мулкни ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича талаб қилиб олишга йўл қўйилмайди» деб кўрсатилган. **Ушбу модданинг 2-қисмидаги талаб бевосита қонуний кучда бўлган бекор қилинмаган суд қарорларига нисбатан белгиланган.**

## БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Кураш миллий федерацияси президенти, сенатор Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов билан Жанубий Корея Кураш миллий федерацияси президенти Ким Эл Жуннинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат Кураш федерациялари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, тажриба алмашиш, мураббийлар, ҳакамлар ва мутахассислар тайёрлаш, кураш бўйича халқаро турнирлар, ўртоқлик учрашувлари, амалий-назарий семинарлар уюштириш борасида музокаралар олиб борилди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон ва Жанубий Корея Кураш миллий федерациялари ўртасида битим имзоланди. Ҳамкорликдан кўзланган мақсад эса миллий спорт турининг халқаро миқёсда обрўсини ошириш, Жанубий Кореяда курашни янада оммалаштиришдан иборатдир.

**(Ўз мухбиримиз)**

## НАМАНГАН ОТЧОПАРИДА...

Наманган шаҳридаги отчопарда вилоят от спорти федерацияси ташаббуси билан чавандозлар беллашуви уюштирилди. Фарғона-ю Андижон, қўшни Қирғизистондан тулпорини елдириб, полвонлар келишди.

Беллашувларни Наманган чавандозлари бошлаб бердилар. Таниқли от спорти устаси Сергей Шмелев шогирдларининг кўргазмали чиқишини томошабинлар олқишлади.

Тўсиқлардан сакраш бўйича Беҳзод Абдуллаев, Владимир Шмелев, Отабек Абдувалиевлар маҳорати юқори баҳоланди.

«Қизқувди» ва пойгада Чортоқ, Учқўрғон, Янгиқўрғон ва Наманган туманидан келган чавандозлар эпчиллик қилишди.

Кўпкари баҳсида биринчи улоқни тўрақўрғонлик пахтакор Абдураҳим Ҳомидов билан номдор чавандоз Бурҳон ота Абдуғаниевлар ташлаб беришди. Чуст, Янгиқўрғон, Чортоқ туманлари чавандозлари қайта-қайта улоқ ўнгариб, совриндор бўлишди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ**

Спорт

# Азамат АБДУРАИМОВ: «МАҚСАДИМ — ЎЗБЕК ФУТБОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ»

*Мамлакатимиз футбол юлдузларидан бири Азамат Абдураимов ҳаётида яқинда яна бир унутилмас воқеа юз берди. Дастлаб ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги, кейин эса унинг маълумотига таянган ҳолда «РТР-Спорт» мамлакатимиз футболига дахлдор ажойиб янгиликни бутун дунёга тарқатди:* ***«Собиқ футболчи Азамат Абдураимов Россия Мураббийлар Олий маҳорат мактабининг биринчи ўзбек битирувчиси бўлди. 40 ёшли Абдураимов ўз вақтида «Пахтакор» (Тошкент), «Спартак» (Москва), шунингдек Тожикистон, Малайзия, Бангладеш, Ҳиндистон ва Саудия Арабистони каби мамлакатларнинг клубларида тўп сурган. Ўзбекистон миллий терма жамоаси таркибида 1994 йилги Осиё ўйинлари чемпиони бўлган...»***

*... Азамат Тошкент зилзиласи рўй берган куни дунёга келди. Отаси ўша куни собиқ иттифоқ чемпионати «Пахтакор» — «Динамо» (Минск) учрашувини ўтказиб бўлиб, туғуруқхонага борганида бу хушхабарни эшитганди. 1969 йили унинг отасини ЦСКАга таклиф қилишди. Икки мавсумдан кейин Биродар Абдураимов яна ортга — Тошкентга қайтди. Азамат эса онаси билан Москвада улар оиласига берилган уйда қолди. Воояга етган Азамат Абдураимов Москвадаги оддий илм даргоҳида ўқиш билан бирга Лужники қошидаги махсус футбол мактабида таълим ола бошлади. Ундан кейин спорт интернатининг махсус синфига ўтди. 1982 йили спорт мактаблари ўсмирлари ўртасида ўтказилган мусобақада чемпион бўлди. Ўша йили бир мавсум Россия иккинчи лигасида тўп сурди. Бир куни собиқ иттифоқ футболининг афсонавий мутахассисларидан бири Константин Бесков Азаматни «Спартак» клубига таклиф этди. Ўша пайтда ундан-да бахтли инсон йўқ эди. Чунки катта ёшдаги мухлислар яхши билишса керак, «Спартак» ўз вақтида нафақат собиқ иттифоқ миқёсида, балки чет элда ҳам анча номдор жамоалардан саналарди. Клубда у икки мавсум ўйнади. Ўн саккизга тўлганида ҳамма қатори ҳарбий хизматга чақирилди. Маълумки, футболчилар асосан хизматни ҳам махсус клубларда ўташади. Азамат ҳам аввалига Ростов (СКА), сўнгра Москва (ЦСКА) ҳарбийлари таркибида тўп сурди.*

*1986 йили у Ўзбекистонга қайтди. «Пахтакор»да бош мураббий лавозимида ишлаётган отаси ўғлини жамоага таклиф этди. Уч мавсум давомида республикамизнинг байроқдор клуби шарафини ҳимоя қилди.*

*XX асрнинг 90-йиллар бошида уни яна «Спартак»ка чақиришди. Москвада биринчи давра якунигача қолди. Таркибга тушиш учун рақобат кучли эди. Азаматнинг ўзини кўрсатиши учун эса вақт зарур эди. Шу боис, асосан учрашувларга захирадан майдонга туширирлардилар. Бу ҳолатни у кўтара олмади. Футболчи учун бундан қийинроқ нарса бўлмаса керак.*

*Ана шу пайтда Абдураимовни яхши билган «Помир» жамоаси бош мураббийи Шариф Назаров қўнғироқ қилиб, ҳужум чизиғини кучайтиришга футболчи зарурлигини айтди. Душанбе Тошкентга яқин, бу эса таклифни бажонидил қабул қилди...*

*1992 йил Бангладешнинг «Муҳаммадан» клуби вакиллари ҳужумчи сифатида уни ўз жамоаларига чорлашди. Клуб таркибида тўпурар бўлиш билан бирга мамлакат кумуш медали соҳибига ҳам айланди. Ярим йилдан кейин ортга қайтди. Ўша пайтда отаси «Навбаҳор»да бош мураббийлик қилаётганди. Ўзбекистонда 1994 йилгача фаолият кўрсатди.*

*Шундан кейин Малайзия, Саудия Арабистони, Ҳиндистон каби мамлакатларда бўлди.*

*1995 йилги мавсумда Саудия Арабистонининг «Ал-Ваҳда» клубида тўп сурди. 1996-2000 йиллар давомида эса «Пахтакор» шарафини ҳимоя қилди. 1997 йили мамлакат Кубоги соҳиби, кейинги мавсум эса Ўзбекистон чемпиони бўлди. 1999 йили «Пахтакор» билан Ҳиндистонга турнирда қатнашиш учун борганида дўсти Игор Шквирин иккаласига Гоа штатининг «Салгокар» жамоасидан таклиф тушди...*

*Спортда ҳамма учун энг даҳшатли нарса бўлган жароҳат, афсуски, Азаматни ҳам таъқиб этди. 2001 йили Москвада тиззасини операция қилдирди...*

*2003 йили «NBU-Осиё» клубида фаолият кўрсатаётганида «Хиросима-94» ва Ўзбекистон терма жамоалари фахрийлари ўртасида Абдураимов шарафига хайрлашув ўйини ўтказилди. Шундан сўнг, у дастлаб, «NBU-Осиё» жамоасида ўйновчи мураббий, кейин эса кўпчилик учун кутилмаганда минифутболга ўтиб кетди. Унинг маҳорати, қобилиятини ҳисобга олган Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарлари 2003 йили аввалига Индонезияда ўтган норасмий Жаҳон чемпионатида, кейинчалик эса Эронда уюштирилган Осиё биринчилигида терма жамоани бошқаришни Абдураимовга ишониб топширишди. Шундан кейин ҳам у «Ардус» жамоасида ўйновчи-мураббий сифатида фаолиятини давом эттирди. Футзал бўйича ҳам республика чемпионлигини қўлга киритди.*

— Аслида катта футболдаги фаолиятимни тугатгандим, ҳисоби, — **дейди Азамат.** — Энди насиб этса, фахрийлар билан бирга майдонга тушаман. Келажакда мураббий бўлиб ишлаш мақсадим бор. Шу боис, Москвадаги Мураббийлар Олий маҳорат мактабида таҳсил олдим. Ўқиш тартибларига кўра, тингловчилар амалиётни бирорта клубда ўтказишлари керак экан. Нима қилишни режалаштириб турганимда «Ардус» минифутбол клуби президенти Жаҳонгир Усмонов жамоага ёрдам беришимни таклиф қилиб қолди. Шу-шу катта футбол билан бирга футзал ҳам ҳаётимнинг бир қисмига айланди.

**— Москвадаги ўқишингиз, унинг муҳим жиҳатларига ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз...**

— Муҳимлигини бир оғиз сўз билан ифодалаш қийин. Россия, Европа, у ёғи эса жаҳон футболи тажрибаси, янгиликлари, амалиёти ва ҳоказоларни ўргандим... У ёғини ўзингиз тушуниб олаверинг. Назаримда, мураббийлик соҳасини мукаммал эгалламоқчи бўлганлар, мана шундай билим масканларида ўқиб келишса, фақат ва фақат ютишарди, деб ўйлайман. Собиқ иттифоқ даврида Москвадаги мазкур мактабда Баҳодир Иброҳимов, Юрий Саркисян каби мутахассисларимиз ўқиганликларини биламан.

**— Ўқишингиз бироз чўзилиб кетди, шекилли?**

— Аслида 2004 йили тугаши керак эди. Бироқ виза масалаларида кутилмаган муаммоларга дуч келиб қолдим ва ўқиш бир йил орқага сурилиб кетди. Негаки, тингловчилар хориж клубларида амалиёт ўташ учун четга чиқиши режалаштирилганди-да. Муҳими, шу давр мобайнида Европанинг машҳур жамоалари «Челси» (Лондон), «Байер» (Леверкузен) клубларида амалиёт ўтадим. Жозе Моуриньо, Руди Фёллер сингари мутахассисларнинг тажрибалари билан ўртоқлашиш бахти насиб этди. Ўқиш ниҳоясига етгач, собиқ иттифоқ футбол юлдузларидан бири Никита Симоняннинг қўлидан диплом олдим.

**— Бўлажак мақсадим катта футболда мураббий бўлиб ишлаш, дедингиз. Дарров сизга бош мураббийликни беришмаса хафа бўлмайсизми?**

— Феъл-атворимда юлдузлик касали йўқ эди ва бундан кейин ҳам бўлмайди. Шунинг учун хафа бўлишни хаёлимга ҳам келтирмайман. Бирданига бош мураббийликка даъво қилмайман. Чунки ҳар қандай ишда ҳам ҳамма нарсани босқичма-босқич бошлаш талаб этилади. Дастлаб ёрдамчи, катта мураббий, ана ундан кейин Худо насиб этса, бош мураббий ҳам бўлармиз...

**— Айни пайтдаги фаолиятингиз тўғрисида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз?**

— Россия футбол уюшмаси қошидаги «Отечественный футбол» жамғармасида ижрочи директорман. РФУ президенти Валерий Мутко билан жуда самимий муносабатдамиз. Ўзингиз биласиз, менга футбол билан бирга журналистика соҳаси ҳам бегона эмас. Шу боис, жамғарманинг рангли журналини чоп этилишига ҳам бош-қошман.

Россияликлар билан футбол соҳасида алоқаларимиз аввалдан яхши бўлган. Мустақиллик йилларида у янада юксак даражаларга чиқа бошлади. Жумладан, Валерий Мутко ҳам бу муносабатларни янада ривожлантиришга хайрихоҳ.

**— Кейинги режаларингиз қандай?**

— Мураббийлик соҳасидаги тажриба, билим ва малакаларимни ошириб, ўзбек футболи ривожига ўзимнинг камтарона ҳиссамни қўшиш.

**Толибжон ҚОСИМОВ суҳбатлашди.**

✧✧✧



***Суратда:*** *Азамат Абдураимов жаҳон футбол юлдузларидан бири Андрей Шевченко (чапда) билан.*

**Қилмиш — қидирмиш**

## ДЎКОН ҒИРРОМЛИК УЯСИ ЭМАС

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар — халқимиз фаровонлиги ва юртимиз равнақи учун қилинаётганлиги аниқ. Бироқ, бу ўзгаришларни тушунмаётган, тушунса-да, қадрига етмаётган айрим «тадбиркор»ларга, кичик ва хусусий сектор ривожига кенг имкониятлар ва имтиёзлар берилганига қаноат қилмасдан қинғир йўл тутаётганларга нима деса бўлади?

Яқинда Олмалиқ шаҳар давлат солиқ инспекцияси ва шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими ҳамкорликда олиб борган тезкор тадбирлар жараёнида ана шундай қинғирликлардан бирининг пайи қирқилди.

2006 йил 24 январь куни шаҳарнинг Москва кўчаси, 20-уйда жойлашган дўконда ўтказилган текшириш чоғида сотувчи Мавлуда Қаршибоева харидор А.Асқаровга бир шиша «Троя»ароғи ва икки кути «Новость» тамаки маҳсулотини жами 1700 сўмга пуллаб, на чек, на чекка тенглаштирилган чипта берди... Боз устига, дўконда назорат-касса машинаси ўрнатилмаганлиги, сотувчи тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмаганлиги, алкогол ва тамаки маҳсулотлари сотиш учун рухсат гувоҳномаси олинмаганлиги ҳамда маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси акциз маркаси билан маркаланмаганлиги аниқланди. Натижада назоратчилар 5 турдаги 96 кути (47700 сўмлик) тамаки маҳсулотлари, 7 турдаги 296 кути (92250 сўмлик) бошқа озиқ-овқат ва нооозиқ-овқат (жами 545150 сўмлик) маҳсулотларни ашёвий далил сифатида олиб қўйди.

Тўғри-да, сотувчи М.Қаршибоева уларни Тошкентдаги бозорлардан олиб келганлигини важ қилса-да, шаҳар бедарвоза бўлмаганидек, дўконлар ҳам тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган маҳсулотларни ноқонуний савдога қўядиган «ғирром»лик уяси эмас-ку..!

Мазкур ҳолат юзасидан ҳозир Олмалиқ шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғади ва суриштирув ҳаракатлари бошлади.

**Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси матбуот хизмати**

**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Farruh HAMROYEV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-10-13
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq** 133-44-55
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
**Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
**Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:**
*Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.***
***Hajmi 2 bosma taboq.***
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**

**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**

Г — 450
*14289 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*
O`zA yakuni — 21.30
Topshirish vaqti —
**2 3 4 5 6**
**Sotuvda erkin narxda**

Интер-спорт

## ЧЕМПИОНЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА



Италиянинг Турин шаҳрида давом этаётган XX Қишки Олимпия ўйинлари қизғин паллага кирди. Медаллар шодасини бойитиш ва умумжамоа ҳисобида биринчи бўлиш учун ҳозирча АҚШ, Россия, Германия терма жамоалари қизғин курашмоқдалар. Чемпионлар сафи эса кенгайиб бормоқда. Хусусан, россиялик спортчи уч карра жаҳон, беш карра Европа чемпиони, моҳир фигурали учиш устаси Евгений Плющенко Олимпия чемпиони номига сазовор бўлди. Эркин дастур бўйича рекорд натижага эришди. Евгенийнинг жами тўплаган баллари 258,33 ни ташкил этди. Швейцариялик Стефан Ламбиель билан канадалик Жефффери Баттл фахрли иккинчи, учинчи ўринларни эгаллашди. Евгений учун Олимпия чемпиони бўлиш осон кечмади. У минглаб мухлислар олдида нафис ва мураккаб ҳаракатларни бажарди. Қизиғи шундаки, бу спортчи 2002 йили Солт-Лейк-Сити шаҳрида ўтказилган Олимпия ўйинларида ватандоши Алексей Ягудинга имкониятни бой бериб иккинчи ўринни эгаллаганди. Евгенийнинг ғалабаси Туриндаги Россия терма жамоасига бешинчи олтин медални келтирди. Россия фигурачилари жамғарган олтин медаллар эса иккитага етди.

Эслатамиз, спорт жуфтлиги бўйича ажойиб чиқишлар қилган Татьяна Тотьмянина билан Максим Марининлар Олимпия чемпионлари бўлишган. Ҳозирча Россия фигурачилари мўлжалдаги тўртта олтин медалга асосий даъвогар бўлиб турибишди.



## МУХЛИСЛАРГА АТАЛГАН...

Бельгиялик теннисчи Ким Клийстерс ўзининг ажойиб ғалабасини минглаб одамлар эслаб юрадиган даражада нишонлади. Бельгиянинг Антверпен шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда Ким мезбон сифатида францияли Татьяна Головина билан ўзаро баҳслашиб, 4:6, 7:6, 7:5 ҳисобида ғалаба қозонди. Учрашувдан кейин Клийстерс микрофон олдига келиб, 10 минга яқин мухлисга спорт залидан чиқаверишда биттадан шампан виноси олиб кетишларини айтди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, бу спортчи шампанлар учун 130 минг евро тўлаган экан. Спортчи учун бу учрашув Австралия очиқ чемпионатидан кейинги биринчи баҳс эди.

Газетхон илҳоми

## ВАТАН МУҲАББАТИ



*Ватаннинг тинчлиги учун ҳар маҳал,*
*Ватан жондан азиз, деганлар марддир*
*Тўсиғу ғовларни маҳв этиб дангал,*
*Доимо эл ғамин еганлар марддир!*

*Огоҳлик айлансин яшаш туғига,*
*Юрт ишқи қалбларга сингсин доимо!*
*Ватанга фидойи мардлар руҳига*
*Содиқ зотлар завол кўрмагай, илло!*

*Ҳур ҳаёт, тоабад барқарор бўлсин,*
*Озод, обод Ватан қолсин бизлардан.*
*Заминда бахт, иқбол гуллари унсин,*
*Асрайлик, диёрни ёмон кўзлардан!*

*Ўзбекистон — азал даҳолар юрти,*
*Эртаси порлоқдир, тонгги мунаввар.*
*Буюк боболарнинг руҳи ҳурмати —*
*Қуёш келажакдан келтирар хабар.*

## ИСТИҚБОЛИНГ ПОРЛОҚ БЎЛГАЙ

*Висол ширин бўлармиди дил куймаса,*
*Булбул нола қилармиди гул бўлмаса?*
*Бу дунёда сенинг қандай одамлигинг*
*Ким биларди, ватанинггу эл бўлмаса?!*

*Бошига иш тушса, асло, таъна қилмай,*
*Бир-бирини қўллаб турган элим — ўзбек.*
*Жаннатмакон она юртнинг тупроғида*
*Чинор каби жавлон урган дилим — ўзбек.*

*Бошга қўнган бахт қушингга кўз тегмасин,*
*Осойишта турмушингга кўз тегмасин.*
*Темур қони жўш ургувчи келбатинг бор,*
*Ҳурлик йўлда юришингга кўз тегмасин.*

*Зулматлардан омон чиққан буюк халқим,*
*Озод юртинг посбонингдир суюк халқим.*
*Улуғ дўстлик йўлин тутган эллар билан*
*Юксалишга имконинг бор қутлуғ халқим!*

**Абдуғани СУЛАЙМОН**



## «ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 153-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

**Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.**

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1 ТУР** | Чипталар | 50 | 70061295.3 | **8 ТУР** | 10123276.1 | **12 ТУР** |
| 79 | рақами | 31 | **6 ТУР** | 85 | 20028245.2 | 45 |
| 41 | 60092151.3 | 5 | 15 | Сони: 22 | 20045158.1 | Сумма: 2500 |
| 69 | 80096670.3 | 53 | Сони: 3 | Телевизор | 20148666.1 | **13 ТУР** |
| 75 | **3 ТУР** | 70 | Телевизор | Сумма: 180000 | 20163479.2 | 40 |
| 71 | 60 | 66 | Сумма: 180000 | Чипталар | 20218765.2 | Сумма: 2000 |
| 57 | 28 | 72 | Чипталар | рақами | 30056945.3 | **14 ТУР** |
| 56 | 10 | 38 | рақами | 10008920.1 | 30092799.1 | 6 |
| 18 | 24 | 33 | 20028192.2 | 10010751.2 | 40032072.3 | Сумма: 1000 |
| Сони: 2 | 58 | 73 | 40027074.2 | 10078911.2 | 40130787.1 | **15 ТУР** |
| Телевизор | 61 | 30 | 50141854.1 | 10134068.2 | 40175287.1 | 36 |
| Сумма: 180000 | 12 | 83 | **7 ТУР** | 10147427.2 | 40194438.1 | Сумма: 500 |
| Чиптала | 26 | 52 | 42 | 20029847.3 | 40195181.1 | **16 ТУР** |
| рақами | 8 | 4 | Сони: 17 | 20108478.2 | 50088090.3 | 47 |
| 20219120.3 | 74 | 76 | Телевизор | 20109700.1 | 50169368.1 | Сумма: 500 |
| 60092151.3 | 55 | 63 | Сумма: 180000 | 30032987.1 | 60012568.2 | **17 ТУР** |
| **2 ТУР** | Сони: 1 | 1 | Чипталар | 40117101.3 | 60098593.1 | 89 |
| 44 | Nexia | 86 | рақами | 50016611.2 | 60141150.2 | Сумма: 500 |
| 88 | автомобили | 51 | 10016554.2 | 50022060.2 | 60146932.1 | **18 ТУР** |
| 78 | Сумма: | 68 | 10035531.3 | 50044048.3 | 60182945.1 | 20 |
| 19 | 10500000 | Сони: 1 | 10120102.3 | 50227582.2 | 70006750.1 | Сумма: 500 |
| 67 | Чипта рақами | Lacetti | 10198911.3 | 60007039.3 | 70217687.1 | **19 ТУР** |
| 81 | 40148593.3 | автомобили | 20029695.3 | 60153858.3 | 80075086.1 | 3 |
| 39 | **4 ТУР** | Сумма: | 20117517.2 | 70048504.2 | 80098503.1 | Сумма: 500 |
| 46 | 17 | 18600000 | 30236885.3 | 70100071.1 | 80123740.1 | **20 ТУР** |
| 65 | 2 | Чипта рақами | 40083025.2 | 90037337.3 | 80129951.2 | 34 |
| 64 | 29 | 60086785.3 | 40093681.3 | 90085981.2 | 80154333.1 | Сумма: 500 |
| 16 | 22 | **5 ТУР** | 40135975.2 | 90150258.2 | 80189124.3 | **Қўшимча** |
| 9 | 11 | 82 | 50082681.1 | 90239212.2 | 90012793.1 | **тур** |
| 80 | 48 | Сони: 4 | 50184210.3 | **9 ТУР** | 90055132.3 | Сумма: 1500 |
| 25 | 43 | Телевизор | 60006241.3 | 21 | **10 ТУР** | **Халтадан** |
| 54 | 32 | Сумма: 180000 | 70016296.2 | Сони: 31 | 84 | **чиқмаган** |
| 37 | 59 | Чипталар | 70236517.1 | Телевизор | Сумма: | **шарлар:** |
| Сони: 1 | 23 | рақами | 90009531.1 | Сумма: 180000 | 5000 | **7 ,** |
| Музлатгич | 27 | 20169045.3 | 90159771.3 | Чипталар | **11 ТУР** | **14 ,** |
| Сумма: | 13 | 40228486.2 | | рақами | 87 | **49 ,** |
| 300000 | 35 | 60217717.2 | | 10033955.3 | Сумма: 3000 | **62 ,** |
| | | | | | | **77,** |
| | | | | | | **90** |



**"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2006 йил 23 февралдаги 154- тиражида ўйналадиган супер ютуқлар:**

1 -турда — биттадан Телевизор
2 -турда — Музлатгич
3 -турда — 500000 сум
4 -турда — NEXIA автомобили
Қолган турларда пул-буюм ютуқлари қўйилган

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФсида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Мирobод тумани "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 22 декабрдаги 16-сонли лицензияси.